

«Қуръон билан танишув» туркум суҳбатлари



13:23 / 15.04.2021 1566

Ҳурматли Қуръон илми ошиқлари!

Рамазон ойида сиз азизларга ажойиб тухфа! Ҳар куни «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жоме масжидида пешин намозидан сўнг «Қуръон билан танишув» номли туркум суҳбатдан баҳраманд бўлишингиз мумкин.

Унда хатмонада ўқиладиган сура ва оятларнинг маъно ва мазмуни, сураларнинг сабаби нузуллари, оятларнинг адади, суранинг тартиби ва нозил бўлиши каби умумий, қисқа маълумотлар бериб борилади. Муҳими, сиз Қуръони карим маънолари ва мазмуни билан танишиш имкониятига эга бўласиз.

Суҳбатни «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жоме масжидининг имом-ноибни Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид олиб боради.

Ушбу суҳбатларни ва таровеҳ намозларини mediabox.uz сайтида, IPTV платформаси 77-каналда ва islom.uz порталининг ижтимоий тармоқларида тўғридан-тўғри жонли эфирда томоша қилишингиз мумкин.

Раҳмат, мағфират ва дўзахдан озод бўладиган ғанимат кунларда Аллоҳ таолонинг каломи тиловатидан ҳаловат топишимизни, Рамазон ойи баракотидан насибадор бўлишимизни Ҳақ таоло барчамизга муваффақ қилсин!

Рамазон ойи муборак бўлсин!